

## ПРЕКУРСОРЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Калбаева Бахыт Хожамберген кызы**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Жиноят ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** мақолада мамлакатимиз қонунчилигида прекурсорлар билан боғлиқ бўшлиқлар ёритилган, хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилган, прекурсорларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашишнинг ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** прекурсор, гиёҳвандлик воситаси, психотроп модда, кучли таъсир қилувчи модда, калий перманганат, ацетон, хлорид кислотаси, жавобгарлик, хорижий тажриба, қонунчиликни такомиллаштириш.

Инсониятга хавф солиб турган уюшган трансмиллий жиноятчиликнинг энг хавfli турларидан бири бу – гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмасидир. Гиёҳвандлик эса аҳоли саломатлиги ва миллат генофондига жиддий таҳдид солаётган иллат бўлиб, унга қарши курашиш ҳамда уюшган наркожиноятчиликка чек қўйиш дунё мамлакатлари сиёсатининг устувор вазибаларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласида прекурсорлар алоҳида ўрин тутди. Зеро, прекурсор гиёҳвандлик воситаларининг синтези учун бошланғич таркибий қисм сифатида ишлатилиши мумкин бўлган махсус кимёвий элемент (аралашма) ҳисобланади.

Шу сабабли ҳам прекурсорлар айланмасини назорат қилиш гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний ишлаб чиқарилишига қарши курашнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, кўпгина давлатлар томонидан прекурсорлар муомаласи алоҳида назоратга олинган.

Мамлакатимиз қонунчилигида ҳам прекурсорлар муомаласини тартибга солишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” 813-1-сон Қонунининг 3-моддасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг сакказинчи бўлимида прекурсорлар деганда, прекурсорлар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинган, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ва психотроп моддаларни тайёрлаш учун фойдаланиладиган моддалар тушунилиши кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомаласида бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш

тўғрисида”ги 330-сон қарори<sup>12</sup> билан мамлакатимизда муомаласи чекланган прекурсорлар рўйхати (IV) тасдиқланган (7-илова) ва унга 29 номдаги прекурсорлар киритилган.

Бироқ, бугунги кунда миллий қонунчилигимизда прекурсорлар билан боғлиқ айрим бўшлиқлар сақланиб қолмоқда. Хусусан:

– синтетик гиёҳвандлик воситаларини (мефедрон, метамфетамин, альфа-ПВП ва ҳ.к.) тайёрлашда фойдаланиладиган 2-бром-4-хлоропропиофенон, 2-бром-4-метоксипропиофенон, 2-бром-4-метилпропиофенон, алфа-бромвалерофенон каби бир қанча прекурсорлар мамлакатимизда муомаласи чекланган прекурсорлар рўйхатига киритилмаган;

– прекурсорлар билан муомалада бўлиш тартиби белгиланмаган;

– прекурсорларнинг қонуний муомаласини назорат қилиш бўйича қатъий механизмлар мавжуд эмас;

– прекурсорларнинг ноқонуний муомаласи учун жавобгарлик назарда тутилмаган.

Юқоридаги бўшлиқлар прекурсорларнинг қонуний муомаласини назорат қилиш имконини бермайди ва ноқонуний муомалага чиқиб кетиш эҳтимолини оширади. Ачинарлиси, прекурсорларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳолатлар аниқланган тақдирда, мазкур қилмишни содир этган шахсларнинг жавобгарликка тортилмай қолишларига ва ўз ҳаракатларини давом эттиришларига сабаб бўлади.

Бу борадаги хорижий тажриба таҳлили бир қатор давлатларда прекурсорларнинг қонунга хилоф муомаласи, шунингдек, уларнинг қонуний муомаласи тартибини тузганлик учун жавобгарлик белгиланганлиги кўрсатмоқда. Хусусан:

– прекурсорларни қонунга хилоф равишда муомалага киритганлик учун Россия (ЖК 228.4-модда)<sup>13</sup>, Беларусь (ЖК 328-модда)<sup>14</sup>, Украина (ЖК 311-модда)<sup>15</sup>, Молдова (ЖК 217-2-модда)<sup>16</sup>, Озарбайжон (ЖК 234-модда)<sup>17</sup>,

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги 330-сон қарори. Электрон манба. Кириш йўли: <https://lex.uz/ru/docs/2815342#2815435> (мурожаат санаси: 30.03.2026)

<sup>13</sup> Уголовный кодекс Российской Федерации. Электронный ресурс. Режим доступа: <https://base.garant.ru/10108000/> (дата обращения: 30.03.2026)

<sup>14</sup> Уголовный Кодекс Республики Беларусь. Электронный ресурс. Режим доступа: [https://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30414984](https://continent-online.com/Document/?doc_id=30414984) (дата обращения: 30.03.2026)

<sup>15</sup> Уголовный кодекс Украины. Электронный ресурс. Режим доступа: [https://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30418109](https://continent-online.com/Document/?doc_id=30418109) (дата обращения: 30.03.2026)

<sup>16</sup> Уголовный кодекс Республики Молдова. Электронный ресурс. Режим доступа: [https://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30394923](https://continent-online.com/Document/?doc_id=30394923) (дата обращения: 30.03.2026)

<sup>17</sup> Уголовный кодекс Азербайджанской Республики. Электронный ресурс. Режим доступа: [https://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30420353](https://continent-online.com/Document/?doc_id=30420353) (дата обращения: 30.03.2026)

Тоҷикистон (ЖК 202 (1)-модда)<sup>18</sup>, Туркменистон (ЖК 327-модда)<sup>19</sup> ва Қирғизистон (ЖК 284-модда)<sup>20</sup> да;

– прекурсорларни ўтказиш мақсадсиз олиш, сақлаш, ташиш ва бошқа ҳаракатлар учун Россия (ЖК 228.3-модда), Беларусь (ЖК 328-модда), Украина (ЖК 311-модда) ва Туркменистон (ЖК 328-модда)да;

– прекурсорларнинг қонуний муомаласи тартибини бузганлик учун Россия (ЖК 228.2-модда), Беларусь (ЖК 330-модда), Украина (ЖК 320-модда), Озарбайжон (ЖК 234-модда), Тоҷикистон (ЖК 206 (1)-модда), Туркменистон (ЖК 333-модда) ва Қирғизистон (ЖК 289-модда)да;

– прекурсорларни контрабанда қилганлик учун Россия (ЖК 229.1-модда), Беларусь (ЖК 328<sup>1</sup>-модда), Украина (ЖК 305-модда), Озарбайжон (ЖК 206-модда), Тоҷикистон (ЖК 289-модда), Туркменистон (ЖК 276-модда) ва Қирғизистон (ЖК 285-модда)да жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб:

1. Ўзбекистонда муомаласи чекланган прекурсорлар рўйхатини халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда кенгайтириш чораларини кўриш ҳамда уни соддалаштирилган тартибда тезкорлик билан янгилаб бориш (тўлдириш) механизмларини жорий этиш;

2. Прекурсорларнинг қонуний муомаласини тартибга солиш ҳамда улар ишлаб чиқарилишидан (хориждан келтирилишидан) бошлаб реализация қилинишигача (транзит ўтиши, маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиш, сотиш, сақлаш, бериш ва бошқа) бўлган барча жараёнларни электрон назорат қилиш тизимини йўлга қўйишни назарда тутувчи қатъий давлат назоратини ўрнатиш;

3. Прекурсорларнинг ноқонуний муомаласи ҳамда улардан фойдаланиш тартибини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни киритиш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, мазкур таклифларнинг жорий этилиши мамлакатимизда прекурсорларнинг қонунга хилоф муомаласини олдини олиш ва уларга қарши курашиш фаолияти самарадорлиги ошишига хизмат қилади.

<sup>18</sup> Уголовный кодекс Республики Таджикистан. Электронный ресурс. Режим доступа: [https://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30397325](https://continent-online.com/Document/?doc_id=30397325) (дата обращения: 30.03.2026)

<sup>19</sup> Уголовный кодекс Туркменистана. Электронный ресурс. Режим доступа: <https://ombudsman.gov.tm/doc/%D0%A3%D0%B3%D0%BE%D0%BB%D0%BE%D0%B2%D0%BD%D1%8B%D0%B9%20%D0%BA%D0%BE%D0%B4%D0%B5%D0%BA%D1%81.pdf> (дата обращения: 30.03.2026)

<sup>20</sup> Уголовный кодекс Кыргызской Республики. Электронный ресурс. Режим доступа: <https://cbd.minjust.gov.kg/3-38/edition/2087/ru> (дата обращения: 30.03.2026)